O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 - yil 14 - mart 252-14-0-Q/22 Toshkent shahar hokimligi

Тошкент шаҳрида ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2900-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 17-сон, 291-модда), 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил, 48-сон, 923-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январдаги “Тошкент шаҳрининг уй-жой коммунал инфратузилмасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5-сонли (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 05.01.2019й.) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 05/1-804-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 05/1-804-сонли топшириғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳридаги истеъмолчилар учун:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 1 апрелдаги 371-сонли қарори билан ичимлик суви таъминоти хизматлари учун белгиланган махсус 100 сўм/м^3 ва канализация хизматлари учун махсус – 100 сўм/м^3 миқдоридаги устама ҳақ 2022 йилда амал қилиниши сақлаб қолинсин.

3. Ичимлик суви ва канализация таъминоти хизматлари тарифлари бўйича белгиланган махсус устама ҳақ мақсадли тушум ҳисобланиб, барча солиқ турларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмаслиги, шунингдек ичимлик ва оқава суви таъминоти ташкилотларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботида акс эттирилмаслиги инобатга олинсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими, Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати:

ушбу қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи Ш.Рахимджанов зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi **ARTIKXODJAYEV J. A.**